

SMART BANK	<p>Ro'yxatdan o'tkazildi Ro'yxat raqami: <u>II-3</u> Sana: "20" fevral 2023 yil Imzo: <u>Муркаба</u></p>
------------	--

«Smart bank» акциядорлик жамияти
Ягона акциядори йиғилишининг
2023 йил «6 »феврал даги
02/1 - сонли қарорига
4-илова

**“SMART BANK” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
БОШҚАРУВИ ТҮГРИСИДАГИ
НИЗОМ**

Мазкур “Smart bank” акциядорлик жамияти Бошқаруви тўғрисидаги низом” (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ҳамда “Smart bank” акциядорлик жамияти Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Smart bank” акциядорлик жамияти (бундан буён матнда Банк деб юритилади) Бошқаруви мақомини ва фаолият юритишини белгилайди, Банк Бошқаруви томонидан амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ва Банк Уставига мувофиқ ўз ваколатига киритилган қарорлар қабул қилинишини тартибга солади.

2. Банк Бошқаруви Банкнинг коллегиал ижроия органи бўлиб, Банкнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қиласида ва унинг натижалари учун жавобгар ҳисобланади.

3. Банк Бошқаруви Ягона акциядор ва Банк Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

4. Банк Бошқарувнинг аъзолигига ҳамда мухим аҳамиятга эга ходимлар лавозимларига кўрсатилаётган номзодларни уларнинг лавозимга киришишидан олдин Марказий банк билан келишилади. Агар мухим аҳамиятга эга ходимларни объектив сабабларга кўра олдиндан келишиб олишнинг имкони бўлмаса, Банк кейинчалик розилик олиш учун сўровнома юборилади.

5. Банк Бошқаруви қарорлари видеоконференц-алоқа орқали ҳам қабул қилиниши мумкин.

2-боб. Банк Бошқарувини ташкил қилиш тартиби

6. Банк Кузатув кенгаши Банк Бошқарувининг миқдорий таркибини, бир киши бошқариш вазифаларини ижро этишининг энг юқори имкон даражаси, бошқаришга ҳаражатларни қисқартириш тамойилларидан келиб чиқиб белгилайди.

Банк Бошқарувининг таркиби бўйича қарорлар Банк Кузатув кенгаши аъзоларининг оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Банк Бошқаруви таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

7. Банк Бошқаруви аъзолигига қуйидаги шахслар тайинланмайди:
олий маълумоти бўлмаган;
етарли даражада банк-молия ва хўжалик қонунчилиги билимларига эга бўлмаган;

SMART BANK	<p>Ro'yxatdan o'tkazildi Ro'yxat raqami: <u>II-3</u> Sana: <u>20</u> fevral <u>2023</u> yil Imzo: <u>Мурод</u></p>
------------	--

судланган ёки аввал ўзининг қасдан содир этилган ғаразли жиноятлар учун судланган;

аввал банкротликка учраган юридик шахсга раҳбар бўлган бўлса.

8. Бошқарув раиси танлов бўйича саралаш асосида танланади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ Ягона акциядор томонидан лавозимида тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

Бошқарув раисининг ўринбосарлари ва Банк Бошқарув аъзолари амалдаги қонунчиликка мувофиқ Банк Кузатув кенгаши томонидан ўрнатилган тартибда тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

9. Бошқарув раиси ва аъзолари билан меҳнат шартномаси бир (ёки уч) йил муддатга тузилади. Меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатини узайтириш ва (қайта тузиш) ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисида ҳар йили (ёки ҳар уч йилда) Ягона акциядор томонидан қарор қабул қилинади.

Бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини Банк номидан Банк Кузатув кенгаши раиси ёки Банк Кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди.

Бошқарув раисининг ўринбосарлари, бош бухгалтер ва Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномаларини Банк номидан Бошқарув раиси имзолайди.

10. Банк Ягона акциядори ва Кузатув кенгаши Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани, агар шартнома тузишда улар Банк Уставини қўпол тарзда бузишга йўл қўйган бўлса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Банкка зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш)га ҳақли.

11. Бошқарув раиси Бошқарув таркибига қўшимча номзодлар киритиш ёки Банк фаолиятидаги ўзгаришлар муносабати билан унинг микдорий таркибини қисқартириш ва бошқа ҳолатлар юзасидан ҳамда Бошқарув таркибидан айрим аъзоларни чиқариш бўйича таклифлар киритиш хукуқига эга.

12. Банк Бошқарувининг аъзосини вазифасидан озод қилиш Банк Кузатув кенгаши томонидан қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

ихтиёрий равишда ўз ваколатини топширганда;

Банк Бошқарувининг аъзоси мазкур Низомда баён қилинган ўз ваколат ва мажбуриятларини бажармаганда;

Марказий Банкнинг тегишли кўрсатмаси олинганда;

қасдан содир этилган ғаразли жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилганлиги тўғрисида маълумот олинганда;

Бошқарув аъзоси вазифаларини бажариш тўғрисида Банк билан битим тузиш жараёнида мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган маълумотларни

SMART BANK	<p>Ro'yxatdan o'tkazildi Ro'yxat raqami: 11-3 Sana: "20" fevral 2013 yil Imzo: </p>
------------	---

яширганда.

3-боб. Банк Бошқарувининг ваколат доираси ва мажбуриятлари

13. Банк Бошқарувининг ваколатларига Банк жорий фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Ягона акциядорнинг мутлақ ваколатлариiga ва Банк Кузатув кенгашининг ваколатлариiga киритилган масалалар бундан мустасно. Жумладан, Банк Бошқарувининг ваколат доирасига куйидагилар киради:

Ягона акциядор ва Банк Кузатув кенгашида муҳокама этиладиган барча масалаларни олдиндан кўриб чиқади, улар юзасидан тегишли хужжатлар ва қарор лойиҳаларини тайёрлаш;

Ягона акциядор ва Банк Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш ва/ёки ижросини таъминлаш;

Банкнинг сиёсат (кредит, инвестиция, эмиссия, дивиденд, ички назорат, бухгалтерия, кадрлар ва х.к.)лари, Банкнинг ривожлантириш стратегияси, бизнес-режаси лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни Ягона акциядор ва Банк Кузатув кенгашига тасдиқлаш учун киритиш;

Банкнинг сиёсатларини ва Банкнинг ривожлантириш стратегиясини жорий этилишини ҳамда Банк бизнес-режасининг ижросини таъминлаш;

қонун хужжатлариiga асосан Банк Бошқаруви ваколатига кирувчи Банкнинг ички меъёрий хужжатларини тасдиқлаш;

ўз ваколати доирасидаги Банкнинг таркибий бўлинмалари (департамент, бошқарма ва бўлимлар) тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш;

корпоратив бошқарувининг замонавий ва илғор услубларини жорий этиш, корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини татбиқ этилишини ташкил қилиш ва Банкнинг корпоратив бошқарувга оид сиёсатни ишлаб чиқиш;

Банкда қонун хужжатлари ва ҳалқаро стандартларга мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритилишини ва молиявий ҳисбот тақдим этилишини, мониторинг қилиш ва таваккалчиликлар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада саклаб туриш сиёсатини амалга ошириш;

Банкнинг фаолияти якунларини, депозитларни қабул қилиш, активларни жойлаштириш, кредитлашни ташкил этиш, ҳисоб-китоблар, пул муомаласи, касса хизмати, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш масалаларини кўриб чиқиш;

ҳар чоракда Банк Кузатув кенгашига Банкнинг молиявий ҳолати ва фаолияти, тасдиқланган бизнес-режа ижроси ҳақида ҳисбот тақдим этиш;

Банк хизматларининг янги турларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

ҳисоб-китоб хизматлари кўрсатиш, кредит, пул ва тўлов хужжатлари ва хат-хужжатларни расмийлаштиришнинг умумий шартлари ва тартибини

SMART BANK	<p>Ro'yxatdan o'tkazildi Ro'yxat raqami: <u>II-3</u> Sana: "20" fevral 2024 yil Imzo: <u>Мурод</u></p>
------------	--

белгилаш;

стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, Банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва таваккалчиликлар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада саклаб туриш сиёсатини амалга ошириш;

Банкнинг тегишли ва шаффоф ташкилий тузилмасини, шу жумладан ваколатларни ва жавобгарликни Банк ходимлари ўртасида ўз ваколатлари доирасида тақсимлашни таъминлаши;

Банк ходимларининг фаолияти устидан назоратни амалга ошириши;

Банкнинг иш амалиётига энг илғор банк технологиялари, банк ишларини комплекс автоматлаштириш лойиҳалари жорий этилишини ташкил этиш, замонавий банк инфратузилмаси яратилишини таъминлаш;

Банк мижозларига кўрсатиладиган хизматлар бўйича фоиз ставкалари ва воситачилик ҳақи миқдорини белгилаш;

кўрилиши мумкин бўлган заарлар миқдорини камайтириш мақсадида Банк активларининг диверсификацияланишини амалга ошириш;

Банк томонидан Марказий банк белгилаган иқтисодий нормативларга ҳамда мажбурий захираларни шакллантириш юзасидан талабларга риоя қилинишини таъминлаш;

банкнинг капитали ва ликвиди ресурслари етарли даражада бўлишини, активларни таснифлаш орқали эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар яратилишини таъминлаш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ банк бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи юритилишини ташкил этиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда Ягона акциядорнинг талаби бўйича молиявий ҳисботни ва Банк фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборотларни уларга тақдим этиш;

Банкнинг қабул қилинган йиллик бизнес-режасини бажариши, шунингдек, Ягона акциядорга ва Банк Кузатув кенгашига бажарилган ишлар, молиявий натижалар, Банкка нисбатан қўлланилган чоралар ҳамда санкциялар тўғрисидаги ҳисботни даврий равишда тақдим этиш;

Банк Кузатув кенгашида кўриб чиқиши учун Ягона акциядор томонидан тасдиқланган узоқ муддатли стратегия асосида банкнинг қисқа муддатли бизнес-режаларни ва Банк Кузатув кенгаши ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар бўйича таклифлар киритиш;

банк тизимида қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларга риоя қилиниши устидан назорат қилиш;

ишчи органларни, шу жумладан Банк қўмиталар ва комиссияларини тузиш, уларнинг ваколатларини белгилаш ва низомларни тасдиқлаш;

SMART BANK	Ro'yxatdan o'tkazildi Ro'yxat raqami: <u>II-3</u> Sana: " <u>10</u> " fevral <u>2023</u> yil Imzo: <u>Мурод</u>
------------	--

баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг ўн беш фоизигача бўлган миқдордаги битимларини тузиш тўғрисида қарорларни қабул қилиш;

Банк Бошқаруви ташкилий тузилмаси лойиҳасини тайёрлаш;

хар йили Банкнинг кредит режасини шакллантиришда молиялаштириш мўлжалланаётган инвестиция лойиҳаларининг пухта танлаб олинишини, самарадорлиги комплекс баҳоланишини ва экспертизадан ўтказилишини таъминлаш;

амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг ўзини ўзи қоплаши, қўйилган маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши устидан тизимли мониторинг олиб бориш ҳамда натижалари тўғрисида хар чоракда Банк Кузатув кенгашига ахборот бериш;

ҳомийлик тўғрисидаги қонуни ҳужжатларига мувофиқ ҳомийлик ва хайрия ишларини амалга ошириш;

Банк Бошқаруви ваколати доирасида бўлган қимматли қофозларни чиқариш ва муомалада бўлиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

қонун ҳужжатларига ҳамда Банкнинг Устави ва ушбу Низомга мувофиқ Банк Боршқарувининг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳал қилиш.

14. Банк Бошқарувининг вазифалари ва мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

а)Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига риоя этиш;

б)ўз ваколатларини Банк манфаатларини кўзлаб амалга ошириш;

в)Банкка ўз ваколатларига мос равишда раҳбарлик қилишни таъминлаш;

г)мижозларнинг пул маблағларини ишончли жойлаштириш, кредит бериш, тўловларни ўтказиш ва бошқа банк хизматларини кўрсатища мижозлар эҳтиёжини қондириш бўйича ишларни ташкил этиш;

д)амалга оширилаётган банк операцияларидан энг юқори миқдорда ва барқарор фойда олиш;


е)лозим даражада ҳисобга олиш ва ҳисботни таъминлаш;

ё)Банк активларини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши мутаносиб равишда заҳира ташкил этиш;

ж)ички аудит тизимининг фаолият кўрсатиши, Банк ўтказаётган операцияларнинг ҳажми ва мураккаблигига ички аудитнинг мувофиқ бўлиши учун шароит яратиш;

з)ҳар чоракда Банк Кузатув кенгашига Ягона акциядор томонидан тасдиқланган узоқ муддатли стратегияси асосида ишлаб чиқилган қисқа муддатли ва ўрта муддатли Бизнес режаларининг ижроси бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ижроси тўғрисида ҳисбот тақдим этиш;

и)ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларнинг Банк сайти ва қонун



хужжатларида назарда тутилган бошқа манбаларда эълон қилинишини таъминаш.

й)Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари ва Банк Уставида ҳамда ушбу Низомда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

4-боб. Бошқарув раиси ваколатлари ва мажбуриятлари

15. Бошқарув раиси Банкнинг олий мансабдор шахси ҳисобланиб, қонунчилик, Банк Устави, мазкур Низом ва Банк Кузатув кенгашининг унга берган ваколатларига мувофиқ, Банкнинг бутун фаолиятига раҳбарлик қиласди.

16. Бошқарув раиси қуидаги ваколатларга эга:

а)Банкнинг кундалик фаолиятига тезкор раҳбарлик қилиш;

б)Банк номидан Уставга асосан ишончномасиз иш юритиш;

в)бошқа ташкилотлар ва органлар билан бўлган ўзаро муносабатларда Банкнинг манфаатларини ифодалаш;

г)Банк номидан битим ва шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномаларини тузиш;

д)Банкнинг ички меъёрий хужжатларида белгиланган тартибда унинг мол-мулки ва пул маблағларини тасарруф қилиш;

е)Банк номидан ҳаракат қилиш учун ходимларга ишончномалар бериш;

ё)Банкнинг ходимларини, филиаллар, ваколатхоналар ва шўъба корхоналар раҳбарларини тайинлаш, лавозим ойлик маошларини белгилаш ҳамда уларни лавозимдан озод қилиш;

ж)штат жадвалларини тасдиқлаш;

з)Банк фаолиятини самарали ташкил қилиш мақсадида Банкнинг ташкилий-бошқарув тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

и)ходимларни рағбатлантириш, уларга нисбатан интизомий жазоларни кўллаш, шунингдек интизомий жазоларни олиб ташлаш;

й)Банкнинг таркибий тузилмалари ҳақидаги низомлар ва лавозим мажбуриятларини тасдиқлаш;

к)Бошқарув раиси ўринbosарлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

л)ўз ваколати доирасида Банк тизимида бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ, фармойиш ва кўрсатмаларни бериш;

м)қонун хужжатларига ҳамда Банкнинг Устави ва ушбу Низомга мувофиқ Банк Боршқаруви раисининг ваколат доирасига киравчи бошқа масалаларни ҳал қилиш.

17. Бошқарув раисининг вазифалари ва мажбуриятлари:

а)амалдаги қонунчиликка риоя қилган ҳолда Банкнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

	<p>Ro'yxatdan o'tkazildi Ro'yxat raqami: II-3 Sana: "20" fevral 2023 yil Imzo: </p>
---	--

б) Ягона акциядор ва Банк Кузатув кенгаши ва Банк Бошқаруви қарорларининг ижросини ташкил этиш;

в) Банк Кузатув кенгаши ва Ягона акциядорга Банк фаолияти тўғрисида ҳисоботларни тақдим этиш;

г) Банкнинг шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

д) Банкнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг етарли ва ишончли ҳолатини ва ишончлилигини ташкил этиш ва таъминлаш;

е) Банкни малакали ходимлар билан таъминлаш, уларнинг билимлари, малакалари, тажриба ва қобилияtlаридан унумли фойдаланиш чораларини кўриш;

ё) Банк Бошқаруви вакилларининг жамоа музокараларида иштирок этишини таъминлаш. Жамоа шартномаси ва битимларини тузишда иш берувчи сифатида иштирок этиш. Жамоа шартномасидаги мажбуриятларни бажариш;

ж) қонун хужжатларидан белгиланган бошқа вазифалар ва мажбуриятларни бажариш.

18. Бошқарув раиси Банкка юклатилган вазифаларнинг бажарилиши, Банкнинг шартномалар бўйича қабул қилган мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан шахсан жавобгардир.

19. Бошқарув раиси ўз жойида бўлмаган ҳолларда Банк Кузатув кенгашининг қарори билан тайинланадиган ўринбосарлардан бири ёки бошқа шахс белгиланган тартибда Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажаради.

20. Бошқарув раиси Банкнинг раҳбарлари ва ходимларини буйруқ билан тайинлайди ва улар билан Банк номидан меҳнат шартномаларини тузади.

5-боб. Банк Бошқаруви аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

21. Бошқарув аъзолари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Бошқарув мажлисида шахсан иштирок этиш, муҳокама этилаётган масала бўйича регламентда ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш, ўз қарашларини ҳимоя қилиш;

муайян давр мобайнида Банк тузилмалари фаолиятининг натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишонарли ахборотлар олиш;

Бошқарувда кўриб чиқиш учун Банк Бошқаруви ваколатига тегишли масалалар бўйича таклифлар киритиш;

Бошқарув йиғилиши чақирилишини талаб қилиш;

Банк Бошқарувидаги фаолияти ва зиммасига юклатилган вазифаларни бажаргани учун меҳнат шартномасига мувофиқ муайян мукофот олиш;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга.

22. Банк Бошқаруви аъзолари қўйидагиларга мажбур:

Банк манфаатлари йўлида ҳаракат қилиш;

SMART BANK	Ro'yxatdan o'tkazildi Ro'yxat raqami: <u>Л-3</u> Sana: "Ле" феброл 2023 yil Imzo: <u>Муродов</u>
------------	---

Банк обўси, унинг ривожланиши ва молиявий барқарорлигининг мустаҳкамланишини оширишга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишга эришиш;

ўз хизмат мавқеидан вижданан, ҳамда Банк Уставида ёзилган вазифаларини яхши бажариш йўлида фойдаланиш;

билимдонлик ва масъулият билан раҳбарлик қилишни таъминлаш;

Банк фаолиятини қонуний, хавфсиз ва оқилона бошқаришни амалга ошириш;

Банкнинг ички назорат тизими фаолиятини ташкил этиш;

Банк билан битим масаласи ҳал қилинаётганда бу битимда ўзининг аффилланган шахс деб эътироф этилиши мумкин бўлса, Банк Бошқаруви ва Кузатув кенгashi мажлисларида ҳамда Ягона акциядорнинг қабул қиладиган қарорида мазкур масалани ҳал этишда қатнашмаслик;

қонун ҳужжатларидан белгиланган бошқа вазифалар ва мажбуриятларни бажариш.

23. Банк Бошқаруви аъзоси Банк тарафлардан бири бўлган битимда молиявий манфаатдорликка эга бўлган ҳолатда, шунингдек Банк Бошқаруви аъзосининг бошқа манфаатлар тўқнашуви ҳолатида Банк Бошқаруви аъзоси битим тузиладиган пайтгача Банк Бошқарувини ва Кузатув кенгашини ўз манфаатдорлиги тўғрисида олдиндан хабардор қилиши шарт, битим тўғрисида қарор эса бундай манфаатдорликка эга бўлмаган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилиниши ёки Банк Кузатув кенгashi ёхуд Ягона акциядор томонидан қабул қилиниши керак. Бунда, Банк Бошқарувининг манфаатдор аъзолари бундай битим бўйича муҳокамада ҳам, қарор қабул килишда ҳам иштирок этмайдилар.


24. Банк ўзига алоқадор бўлган шахслар билан тузилган битимларнинг алоҳида рўйхатини юритиши ва Марказий банкни Банкка алоқадор шахслар билан битимлар тузилиши олдидан хабардор этиши шарт.

25. Бошқарув Раиси Банк Бошқарувининг ваколатига кирувчи масалалар бўйича мажбурият ва ваколатларни Бошқарув аъзолари ўртасида тақсимлайди.

Банк Бошқарув аъзоларига ўз вазифаларини бажариб турган давр учун Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ҳақ тўлаб борилади.

26. Банк Бошқаруви аъзолари Банк Бошқаруви томонидан бирон-бир қарорлар қабул қилинишига таъсир ўтказганлиги учун бевосита ёки билвосита мукофот олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

27. Банк Бошқаруви аъзолари Банк имкониятларидан (мулкий ёки номулкий ҳуқуклар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, банк фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборотдан) шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланишга ҳақли эмаслар.



28. Банк Бошқаруви аъзолари Банк ҳисоботидаги ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади.

6-боб. Банк Бошқаруви мажлиси

29. Банк Бошқаруви мажлислари Бошқарув иш режасига мувофиқ, ойда камида бир марта ўтказилади. Банк Бошқаруви мажлислари, зарурият түғилгандан, Ягона акциядор, Банк Кузатув кенгаши, Банк Тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати ташаббуси билан ёки Бошқарув раисининг, Бошқарув аъзосининг талабига биноан навбатдан ташқари чақирилади.

30. Бошқарув иш режасида қуидагилар акс этади:

ҳар чоракда Бошқарув мажлисларида кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар;

Банк Бошқаруви мажлисларини ўтказиш жадвали;

Банк Бошқаруви мажлисларида кўриладиган масалаларни тайёрлашга масъул шахслар.


Бошқарув иш режаси Ягона акциядор, Банк Кузатув кенгаши, Банк Тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати, Банк Бошқаруви, Банк таркибий бўлинмалари таклифларини инобатга олган ҳолда Бошқарув котиби томонидан шакллантирилади ва Банк Бошқаруvida кўпчилик овози билан тасдиқланади.

Бошқарув иш режасига чорак давомида ўзгартириш ва қўшимчалар Бошқарув раиси рухсати билан киритилиши мумкин. Бошқарув иш режасига киритилган мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Банк Бошқаруvida кўпчилик овози билан тасдиқланади.

31. Бошқарувнинг навбатдан ташқари йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб (ёки ташаббус) Бошқарув йиғилишида кўрилиши лозим бўлган масалаларни белгилаган ҳамда мазкур масалаларни кўриб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва қарор лойиҳаларини илова қилган ҳолда ёзма равища расмийлаштирилади ва Бошқарув раисига юборилади.

Бошқарувнинг навбатдан ташқари йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолда Бошқарув раиси йиғилиш куни, йиғилишнинг кун тартиби, Бошқарув аъзоларига тақдим этиладиган материаллар рўйхати, қайд этилган материалларни тақдим этиш муддатларини белгилаши, шунингдек, Бошқарув котибига Банкнинг навбатдан ташқари йиғилишини ўтказиш учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни кўриш ҳақида кўрсатма беради.

32. Банк Бошқаруви ўз ишини ташкил қилиш учун Бошқарув котибини тайинлаши мумкин. Бошқарув котиби Банк Бошқарув мажлисларида материалларни тайёрлайди, Бошқарув аъзоларига материалларни етказади, Банк Бошқарув мажлислари баённомаларини расмийлаштиради ва сақлайди,



Банк Бошқарувининг иш юритиш бўйича тадбирларни амалга оширади.

Бошқарув котиби Банк Бошқарув аъзоси ҳисобланмайдиган Банк ходими бўлиши лозим. Бошқарув котиби ўз вазифасини бажариш муносабати билан ўзига маълум бўлган банк ва тижорат сири ҳисобланган ҳамда конфиденциал маълумотларни сир саклашга мажбур.

Бошқарув котиби Банк Бошқаруви мажлисларини ўтказишга тайёрғанлик кўриш учун зарур ахборот ва маълумотларни сўраш ва олиш ҳукуқига эга.

33. Банк Бошқарув мажлисларини Бошқарув раиси, у бўлмаган тақдирда унинг ўринбосарларидан бири бошқаради.

Бошқарув мажлислари, одатда, ёпиқ ҳолда ўтказилади. Мажлис иштирокчиларининг даврасини Бошқарув раиси белгилайди.

34. Банк Бошқарув мажлисида қарорлар, агар қонун хужжатларида ҳамда Банк Уставида ва мазкур Низомда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Банк Бошқарув мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Банк Бошқарувининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Банк Бошқарувининг бир аъзоси ўз овозини Банк Бошқарувининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди. Банк Бошқарув мажлисларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Банк Бошқаруви раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Банк Бошқарувининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

35. Бошқарув аъзоси (ёки аъзолари) қабул қилинган қарордан норози бўлса, бу хақда Банк Кузатув кенгашига маълум қилишга ҳақли.

Шунингдек, мажлисда иштирок этган Бошқарув аъзоси Бошқарув мажлисининг кун тартибидаги масала(лар) бўйича қабул қилинган қарорлар бўйича рози бўлмаган тақдирда ўз фикрини ёзма равишда баён этиш ҳукуқига эга ва бу Бошқарув баённомасига илова қилинади.

36. Банк Бошқарувининг икки ва ундан кўпроқ аъзоси аффилланган шахслар бўлган ҳолатда, битим бўйича қарор Банк Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади. Банкнинг аффилланган шахси Банк Бошқарув ёки Кузатув кенгаши ёхуд Ягона акциядор томонидан ушбу битим бўйича қарор қабул қилинишида муҳокамада иштирок этишга ва овоз беришга ҳақли эмас.

37. Банк Бошқарув мажлисида баённома юритилади. Банк Бошқарув мажлис баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 3 (Уч) кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

SMART BANK	Ro'yxatdan o'tkazildi Ro'yxat raqami: <u>Н-3</u> Sana: "10" fevral 2025 yil Imzo: <u>Мирсаур</u>
------------	---

мажлиснинг кун тартиби;
овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
қабул қилинган қарорлар.

Баённомада шунингдек, бошқа зарур маълумотлар ҳам қайд этилиши мумкин.

Банк Бошқаруви мажлис баённомаси мажлисда иштирок этган Бошқарув аъзолари томонидан имзоланади.

38. Банк Бошқаруви мажлис баённомасидан кўчирма/нусхалар Ягона акциядорга, Банкнинг Кузатув кенгашига, Банкнинг Тафтиш комиссиясига, ташқи аудиторга уларнинг талабига кўра тақдим этилиши мумкин.

39. Банк Бошқаруви мажлис баённомасининг асл нусхалари ва унинг материаллари Бошқарув котибда сақланади.

40. Банк Бошқаруви қарорлари ижрочиларга Банк Бошқаруви мажлис баённомаларида алоҳида масалалари бўйича кўчирмалар кўринишида Бошқарув котиби томонидан имзоланганди имзоланганда муҳри билан тасдиқланган ҳолда етказилади.

7-боб. Банк фаолияти устидан назоратни амалга ошириш

41. Банк Бошқаруви Банкнинг молиявий аҳволи ва фаолияти тўғрисида вақти-вақти билан (ҳар чоракда камида бир марта) шарҳлар ҳамда ёзма хисботларни, жумладан уларни яхшилашга оид тавсиялар билан Банк Кузатув кенгаши олдида хисбот беради.


42. Банк фаолияти ички аудит хизмати томонидан мунтазам равишда текширилиб (ёки ўрганилиб) борилади ҳамда унинг натижалари юзасидан Банк Бошқарувига текшириш (ёки ўрганиш) натижалари бўйича хulosasi (ёки маълумот)лар тақдим этилади.

Банк Бошқаруви томонидан ички аудит хизматининг текшириш (ёки ўрганиш) натижалари бўйича тақдим этган хulosasi (ёки маълумот)лари муҳокама қилиниб, камчиликларни бартараф этиш ва/ёки берилган таклифлар бўйича тегишли хulosалар асосида қарорлар қабул қиласи.

43. Банк фаолияти ҳар йили камида бир марта ташқи аудит текширувидан ўтказилади.

44. Банк Бошқаруви Банк фаолияти устидан назоратни амалга ошириш бўйича вазифаларни бажариш учун ўз ваколати доирасида тегишли қўмита (ва/ёки комиссия)лар ташкил этиши ва улар тўғрисида низомларни ишлаб чиқиши мумкин.

45. Ҳар бир қўмита (ва/ёки комиссия) ўз фаолият масалалари бўйича мустақил йиғилишлар ўтказади ва Банк Бошқаруви олдида амалга оширилган ишлар якунлари тўғрисида хисбот берив боради.



46. Банк Бошқаруви қўмита (ва/ёки комиссия)ларга юклатилган вазифалар ва мажбуриятлар ижросини муентазам равишда назорат қилиши, бунга етарлича вақт ажратиши ва қўмита (ва/ёки комиссия)ларнинг тажрибали аъзолар билан бутланишини таъминлаши шарт.

8-боб. Кадрлар сиёсатини амалга ошириш

47. Банк Бошқаруви кадрлар сиёсатини, Банкка юқори малакали, билимдон, тажрибали, илғор фикрловчи, ташаббускор ва масъулиятли раҳбарлар ҳамда ходимларни жалб этиш, уларнинг Банк Устави билан белгиланган вазифаларни бажаришдаги жавобгарлигини таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқиб, Банк Кузатув кенгашига тасдиқлаш учун киритади.

48. Кадрлар сиёсати қўйидагиларни ўз ичига олади:

Банкда ишлаш учун мутахассисларни танлаш тизими;

Банк ходимларини мукофотлаш, рағбатлантириш ва интизомий жавобгарлик чорасини кўриш тизими;

ўқитиши ва қайта ўқитиши дастури;

юқори лавозимларда бўш ўринлар пайдо бўлган ҳолларда ворислик сиёсати;

Банкнинг таркибий тузилма раҳбарларини, мутахассислар ва бошқа ходимларини ишдан бўштариш мажбурий бўлиб қоладиган ҳолларни аниқлаш;

ходимлар фаолиятини баҳолашнинг расмий жараёни.

49. Банк Бошқаруви Банк ва унинг ходимлари ўртасидаги меҳнат муносабатлари ёллашнинг шартнома тизими асосида ташкил этилишини таъминлайди;

50. Банк Бошқаруви қўйидагиларни ишлаб чиқиб амалга оширади:


Банк таркибий тузилма раҳбарлари ва мутахассисларнинг ишига баҳо бериш мезонлари;

Банк ходимлари корпоратив этика кодекси ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чоралари;

билимсизлиги, нопоклиги, манфаатлар тўқнашуви ёки бошқа сабаблар оқибатида Банкнинг манфаатдор шахслари ўз зиммаларига юклатилган вазифалардан четлаштириладиган шарт-шароитлар рўйхати.

9-боб. Банк Бошқаруви аъзоларининг жавобгарлиги

51. Банк Бошқаруви раиси ва аъзолари ўз хуқуқларини амалга оширишда ўз бурчларини бажаришда Банк манфаатларини қўзлаб иш тутишлари лозим. Банк Бошқарувининг аъзолари қонун ҳужжатлари ва Банк Уставига мувофиқ Банк ва Ягона акциядор олдида жавобгардир.



Банк Бошқаруви раиси ва аъзоларининг Банк олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.


52. Банк Бошқаруви мажлисида овоз беришда қатнашмаган ёки Банкка зиён етишига олиб келган қарорга қарши овоз берган Банк Бошқаруви аъзолари жавобгарликдан озод қилинади.

10-боб. Якуний қоидалар

53. Мазкур Низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Банк Кузатув кенгаси тавсияси асосида Ягона акциядор томонидан тасдиқланади.

54. Мазкур Низом билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

55. Ушбу Низомнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ёки Банк Уставига зид бўлса, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ва ушбу бандларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Банк Устави нормаларига амал қилинади.



ЮРИДИК ХУЛОСА

(норматив-хукуқий хужжатни хукуқий экспертизадан
үтказиш түгрисида)

Экспертиза үтказувчи	Юридик департаменти
Экспертизадан үтказилган мөърий хужжат номи	“Smart bank” акциядорлик жамияти Бошқаруви тугрисидаги Низом.
Экспертиза үтказишида фойдаланилган қонунчилик ва мөърий хужжатлар	“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки түгрисида”, “Банклар ва банк фаолияти түгрисида”, Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш түгрисида”ги Қонунларига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2020 йил 30 июнда 3254-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув түгрисида Низом”, банкнинг Устави ва ички мөърий хужжатлар.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, банк Бошқарувининг макоми ва фаолият юритишини белгилайди, Бошқарувини ташкил этиш тартиби, Бошқарув раиси ваколатлари ва мажбуриятлари, Бошқарувнинг ваколат доираси, вазифалари ва мажбуриятлари, тайинлаш тартиби, мажлислари, банк фаолияти устидан назоратни амалга ошириш тартибларини белгилайди.

Ушбу Низомни ишлаб чиқишида қонунчилик техникаси қоидаларига риоя қилинган.

Хукуқшунос

М.Ғуломжонова

